



Атерма - Экспорт

Импульсли
электр
сигналнинг
ультратовушли
ўзгартиргичлари

АПП 100-04



АПП 100-04 пьезоэлектрик ультратовушли фаол ўзгартиргичлари:

- уйғотиш импульсли электр сигнални акустик сигналига ўзгартириш, уни газ муҳитига нурлантириш ва қабул қилинаётган акустик сигнални электр сигналига қайта ўзгартириш учун мўлжалланган.

Ультратовушли газ ҳисоблагичларида қўлланилади.

АПП 100-04 ўзгартиргичи табиий газ муҳитида ишлатилиши мумкин, конструкцияси жиҳатидан газ муҳити ток ўтказувчи қисмларга кириб боришини мустасно қилувчи алюминийли корпусда ишлаб чиқарилган.

Шунингдек, ўзгартиргич конструкциясида газ муҳитида электр акустик ўзгартиришнинг самарадорлигини оширувчи материаллар қўлланилган.

Ўзгартиргичининг ишлаш режими - импульсли.

Муҳитлар бўлиниш чегарасида ўрнатилади.

АПП 100-04 ўзгартиргичи бу қайта тикланмайдиган, таъмирланмайдиган буюмдир.

Ўзгартиргичлар танланган техник тавсифлар билан жуфт-жуфт етказиб берилади.

Нурлагич жуфтликларини танлаш ($160 \pm 0,2$) мм оралиқ қолдирилган базада ички диаметри 18 мм бўлган ўлчовли қувурда амалга оширилади.

Ўзгартиргичлар шартли диаметри 1000 мм гача қувурли газ сарфи ўлчагичларида ишлатилади ва магистрал қувур йўллари, тутун қувурлар, факеллар ва бошқаларда қўлланилади.

АПП 100-04 ТЕХНИК ТАВСИФЛАРИ:

- 45В амплитудали манфий кутбли биттали зондлаш импульсида кирувчи сигналнинг биринчи мусбат ярим тўлқини амплитудасининг номинал қиймати 5 мВ
- биринчи мусбат ярим тўлқини амплитудасининг номинал қиймати 9 мВ
- Фойдаланиш ҳарорати $-50 / +50$ °C
- Йўл қўйиладиган мутлақ хатолик чегараси ± 1 мВ
- Ўзгартиргични пьезофаол элементининг электр сиғимдорлиги 200 ± 30 пФ
- Ишчи резонанс частотаси 95-115 кГц
- Ишчи босим 9 атм гача



(Пьезоэлектрик
ўзгартиргичлари –
ПЭЎ)

«Атерма экспорт» МЧЖ
Екатеринбург ш.,
Расточная кўч. 44 -211

Тел. +7(919) 3914801
Email: psc @ olympus.ru
<http://www.termokub.ru>